

Б.Т.Ташева,
Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби магистранти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРНИНГ РЕСУРС ТАЪМИНОТИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари ёритилган, ички инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш услубиёти келтирилган, капитал самарадорлиги таҳлил қилинган ва ички инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, ички инвестициялар, акселератор модели, капиталга чекланган мойиллик, капитал самарадорлиги, ички инвестициялардан самарали фойдаланиш.

Аннотация: В статье освещаются научные основы эффективного использования внутреннего инвестиционного потенциала в национальной экономике, дается методология оценки использования внутренних инвестиций, анализируется эффективность капитала и даются рекомендации по эффективному использованию внутренних инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, внутренние инвестиции, модель акселератора, предельная склонность к капиталу, эффективность использования капитала, эффективное использование внутренних инвестиций.

Abstract: This article highlights the scientific foundations for the effective use of domestic investment potential in the national economy, provides a methodology for assessing the use of domestic investment, analyzes the efficiency of capital and gives recommendations for the effective use of domestic investment.

Key words: Investments, domestic investments, accelerator model, marginal propensity to capital, capital efficiency, efficient use of domestic investment.

Кириш

Инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг зарур шarti ва манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва минтақавий инвестицион дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, иқтисодиётда инвестиция ҳажми йилдан йилга сезиларли даражада ўсиб боришига ҳамда миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортиши орқали ижобий натижалар беришга имкон яратмоқда. Республикамида банк тизимини

ривожлантириш борасидаги ислохотлар қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

– тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб қилиш асосида уларнинг ресурс базасини мустахкамлаш;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан янгилашдаги банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда, уни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини сифат жихатдан яхшилаш ва пировардида янги иш ўринлари яратиш қўламларини ошириш жараёнларида фаол иштирок этиш;

– банк тизимида хорижий сармояларни кенг жалб қилиш ва шу орқали замонавий илғор корпоратив бошқарув амалиётларини кенг татбиқ этиш имкониятларини ошириш мақсадида тижорат банклари устав капиталдаги 15 фоиз улушини хорижий инвесторларга сотиш;

– тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, шу жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида янада такомиллаштириш;

– иқтисодиётда тўлов тизимини, хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва бунда илғор замонавий ахбороткоммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

– кўрсатилаётган банк хизматлари турларини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизмат кўрсатиш қўламини янада ривожлантириш;

– тижорат банклари ва банк-молия соҳаси фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий қилиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича амалий ишларни давом эттириш, устувор вазифалар сифатида белгиланди ва тўлиқ ижро этилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Миллий иқтисодиётга киритиладиган инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари мамлакатимиздаги ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Д.К. Ахмедов инвестицияларнинг мамлакатимизга фаол жалб қилишни таъминлашда малакали кадрларнинг мавжудлиги, таҳлил учун маълумотларнинг етарлилиги, хокимият органларининг инвестицияларни жалб қилишдаги манфаатдорлиги ошиши, ташқи савдо эркинлиги, хомашё таъминотининг яхшиланиши каби энг муҳим омилларни келтириб ўтган.

Россиялик олим А. Дамодараннинг фикрига кўра миллий иқтисодиётга инвестиция киритиш бўйича илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси

кўрсатадики, ишлаб чиқаришни “оғир” технологик линиялар билан эмас, балки қисқа ва тез янгиладиган, бозор талабларини тез ўзлаштира оладиган “эгилювчан” ишлаб чиқариш линиялари билан қуроллантириш устувор йўналиш бўлиб бормоқда. Инвестициялар йирик саноат марказлари бўлган шаҳарларда эмас, балки фойдаланиладиган хом ашё ва меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳудудларга йўналтирилмоқда.

В.А.Харитонов ва А.О.Алексеевлар миллий иқтисодиёт муваффақиятли ривожланишининг шарти сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция ва инновациялар соҳасида келишилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлаши зарурлигини қайд этади.

Г.И. Ивановнинг эътирофига кўра мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти юқори ва табиий ресурсларга бой бўлган ҳудудларига инвестиция киритилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиради ва улар ҳудудларни барқарор ривожлантириш имкониятини беради. Бундай сиёсат юритиш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи-назардан самарали ҳисобланади. Шундай экан ҳудудлар учун асосий вазифа ўзларининг инвестиция киритилиш имкониятларини ошириш, бу борада мавжуд ички салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Хитойлик олим Ф.Хиаолан мамлакатнинг инновацион салоҳияти ошишининг унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Унинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ички инвестициялар умумий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи миллий иқтисодиётнинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Руминиялик олимлар мамлакат миллий иқтисодиётига кирган хорижий компаниялар инвестиция стратегияларида минтақавий хусусиятларни инобатга олишини асослаб берганлар. Уларни тадқиқотига кўра инвесторлар Руминия ҳудудларини 2 та алоҳида иқтисодий минтақа сифатида кўради. Бунда биринчи минтақада инвестицияларни жалб қилишда муҳим омиллар сифатида янги бозорларнинг мавжудлиги, малакали ишчи кучи ва инфратузилма имкониятлари келтирилган. Иккинчи минтақа инвесторларни ўзининг арзон нархларга эгаллиги билан қизиқтирган.

Бизнинг фикримизча, ички инвестиция салоҳияти мамлакатдаги аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларидан иборат бўлиб, давлат бу маблағларни иқтисодиётга инвестиция сифатида киритиш жараёнларини рағбатлантирувчи тизим ишлаб чиқиши ва уни амалда қўллаш орқали иқтисодиётга киритиладиган ички инвестициялар ҳажмини ошириши лозим.

Тадқиқот методологияси

Миллий иқтисодиётга киритиладиган ички инвестициялар ҳажмини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тесқари боғлиқликни инобатга олсак, кутилаётган соф фойда нормаси динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Агар кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Маълумки, халқаро «Doing Business» рейтинги доирасида мамлакатларнинг бизнес муҳити 10 та йўналиш бўйича ўрганилиб, ушбу йўналишлар ҳолати баҳоланади, ҳамда улар асосида мамлакатнинг умумий рейтинги аниқланади. Халқаро экспертлар томонидан республикаимиз «Кредитлаш» йўналишида ижобий баҳоланиб, 2021 йил якунлари бўйича мазкур йўналишда мамлакатимиз 190 давлат ичида 55-нчи ўринни эгаллаганлигини эътироф этишмоқда¹.

Ушбу индекс 3 балл кўринишида қайд этилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 7 баллга тенгдир (максимал балл эса 8 бўлиши мумкин).

Шунингдек, халқаро экспертлар Ўзбекистон кредит инфратузилмасини ривожлантириш саъй-ҳаракатларини гарчи бошқа МДҲ давлатлари билан бирга бошлаган бўлса-да, айтиш керакки улардан анчайин илгарилаб кетганлигини таъкидлашган. Ҳозирги кунда Европа Марказий банки томонидан банкларнинг кредит тарихини соғломлаштириш бўйича чоратадбирлар кўрилатган бир пайтда мамлакатимизда ушбу инфратузилмани янада такомиллаштириш ишлари бошлангани ижобий ҳолатдир.

Айтиш жоиз, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг жорий этилиши натижасида ҳам кредит ташкилотлари, ҳам потенциал мижозлар учун бирдек манфаатли механизм юзага келди. Хусусан, тизим билан кредит ташкилотларида қарздорлар тўғрисида ахборот олиш, кредит таваккалчилигини камайтириш, кредит интизомини мустаҳкамлаш имкони туғилди. Қарздорларда эса кредит интизомини мустаҳкамлашга, қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтаришга қизиқиш ортди, минимал талаблар (имтиёзлар) асосида кредит олишга муваффақ бўлинди. Умуман, банк-молия тизими миқёсида эса, банк назорати учун ҳаққоний ва тезкор маълумот олиш йўлга қўйилди.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда кредит бюроси ахборотлар базасида 511 380 та юридик шахс ва 382 452 та жисмоний шахс тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган. Бугунги кунга келиб эса, ушбу кўрсаткич 9 миллионга яқинни ташкил этади. Кредит бюросига 10 тага яқин ташкилот кредит маълумотини тақдим этади. Улар орасида барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлар, ломбардлар ва лизинг компаниялар мавжуд. Бу уларнинг кредит портфели сифатини яхшилашга, нисбатан юқори молиявий натижаларга олиб келмоқда².

Ҳозирда банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши, ҳисобига, уларнинг иқтисодийдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига ҳам эришилди.

¹ www.finance.uz. Кредит тарихини шакллантиришда бошқа манбалардан ҳам фойдаланилади. //16 Январь

² www.finance.uz. Кредит тарихини шакллантиришда бошқа манбалардан ҳам фойдаланилади. //16 Январь 2022

Хусусан, тижорат банклари активларининг умумий суммаси 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2020 йилдагига нисбатан 23,3 фоизга ошиб қарийб 80,4 трлн. сўмни ташкил этиб, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2021 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етган. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этганлиги алоҳида аҳамиятлидир³.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 фоизи ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилган, бу эса мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга республикамызда банклар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг sanoat тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Низом тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартибини белгилаб беради. Низомга кўра, синдициялаштирилган кредит деганда - бир неча банклар томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда кредитлаш тушунилади. Йирик инвестиция лойиҳаси - умумий қиймати тижорат банкларининг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошадиган инвестиция лойиҳасидир. Банк синдикати - синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишувдир.

Республикамызда банк фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий асосларини такомиллаштириш, тизимда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада қулай шартшароитлар натижасида қуйидаги сифат ўзгаришлари кузатилмоқда:

- тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар сони ва кредитлар ҳажмининг кўпайиши ҳамда фоиз ставкасининг пасайтирилиши орқали уларнинг рентабеллиги ошиб, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициявий фаоллигининг ошиши таъминланади;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг янги ва мавжуд асосий фондларни янгилай бўйича лойиҳа харажатлари камаяди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудлардаги маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, аввало,

³ www.cbu.uz. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади. Инвестицион лойиҳа дастури (program of the investment project) - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амавий фаолият дастури ҳисобланади⁴.

Салоҳиятли инвесторларни жалб этишда уларга банк тизимининг ривожланиш стратегияси, инвестиция фаолиятининг имкониятлари ва шартшароитлари ҳақида ахборот бериш муҳим ўринга эга, инвесторлар кизиқиш билан қарайдиган ахборот майдони кенгайтириб борилмоқда. Республикамиз Ҳукумати ва Президентимиз томонидан салоҳиятли инвесторларга фаолиятнинг юридик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари бўйича маслаҳатлар бериш, чет эллик инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг рейтинги хорижий инвесторлар учун аҳамиятли кўрсаткич бўлиб, улар муайян қарорга келишда ана шу баҳоларга таянадилар. Республикамиздаги 32 та тижорат банкининг фаолияти халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланиши иқтисодий ўсиш учун зарур миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этиш асосий омили бўлиб, бунинг натижасида, бугунги кунда 15 га яқин йирик халқаро молия ташкилотлари мамлакатимиз тижорат банкларида ўз кредит линияларини очган⁵.

Инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур шarti ҳисобланиб улар асосан моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги устивор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади. Хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш йўли билан замонавий янги технологиялар асосида мамлакат иқтисодиёти салоҳиятини ошириш ва дунё бозорида рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг илғор тажрибаларини олиб киришда масалалари ижобий ҳал қилинади.

Инвестициялар молия бозорининг категорияси сифатида иқтисодий муносабатлар иштирокчилари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида қатнашади. Инвестицияларнинг янада умумийроқ иқтисодий тушунчаси - пул маблағларини фойда олиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатга сарфлашни кўзда туттади. Инвестицияларнинг алоҳида шакллари узоқ муддатли хусусиятга эга (булар йирик инвестиция лойиҳаларидир). Бироқ, айрим инвестициялар қисқа муддатли бўлиши мумкин. Булар энг аввало, молия-банк соҳасидаги инвестициялардир (акцияларга, қисқа муддатли давлат облигацияларига, жамғарма сертификатларига ва ҳоказоларга қўйилмалар). Бундан ташқари,

⁴ Ваҳобов А.В. ва бошқ.. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. - Тошкент: Шарқ, 2003.

⁵ www.cbu.uz сайти маълумоти

инвестициялар кўчувчи ва кўчмас мулк, технологиялар ва ҳоказоларнинг номоддий активлари (лицензиялар, патентлар) кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин⁶.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш аввало ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясининг пухта ишлаб чиқилишини талаб этади.

Бизнинг фикримизча инвестицияларни ички молиялаштириш манбалари ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш асосида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш;
- тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини кенгайтириш ва банк тизимида бозор механизмларини тўлақонли ишлатиш орқали кредитлар самарасини ошириш;
- аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда молия бозори замонавий инструментларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш ва бошқалар.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизмини замонавий бозор инструментларидан фойдаланишни жорий этиш орқали такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилишда инвестиция агентликлари, инжиниринг компаниялари каби бозор механизми институтларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали давлатнинг инвестицияларни жалб қилишдаги масъулиятини хусусий секторга ўтказиб бориш;
- ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хомашёни иккиламчи ва учламчи қайта ишлаш, меҳнат сиғимли ва илмталаб тармоқларини ривожлантиришга мавжуд истиқболли заҳиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиб инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Юқоридаги каби тадбирлар амалга оширилса, миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланилади ва иқтисодиётга киритилаётган ички инвестициялар ҳажми ўсишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2022 йил 21 декабрь.

⁶ Бочаров В.В. Инвестиции: учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008. – 384 с

2. Ахмедов Д.К. Бизнес - настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение №5(221), 2018 г.- с.80-84.
3. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер.с англ.- 4-е изд.-М.: “Альпина Бизнес Букс”,2017. С. 467.
4. Харитонов В.А., Алексеев А.О. Концепция субъектно-ориентированного управления в социальных и экономических системах// Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 1-17.
5. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия Учебники, учебные пособия, Ростов н/Д: “Феникс”, 2012. С.24-25.
6. Xiaolan Fu, ‘Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China’, Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007.
7. Danciu Aniela Raluca, Strat Vasile Alecsandru, Main determinants of Foreign Direct Investments in Romania - A quantitative view of the regional characteristics involved in the investment strategies of foreign companies // Procedia - Social and Behavioral Sciences 58 (2012) 1193 – 1203.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.:“Дело и сервис”, 2011. С.98.
9. Грегори Н. Мэнкью “Принципы макроэкономики” Санкт-Петербург «Питер»-2010. С. 251.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
<https://stat.uz>